

Олий аттестация комиссияси Жамоатчилик кенгаши
(2023 йилнинг 9 ойлиги)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПФ-3837-сон “Давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ОАКда Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган.

ОАК Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб бормоқда.

2023 йилнинг 9 ойлигида ОАК Жамоатчилик кенгашининг 6 та мажлиси ўтказилди.

Биринчи мажлиси жорий йилнинг 29 март куни ўтказилди. Кун тартибида 2 та масала, яъни Жамоатчилик кенгашининг иш фаолияти натижалари ва 2023 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда Олий аттестация комиссиясининг Жамоатчилик кенгашининг янгиланган таркиби муҳокама қилинди.

Иккинчи мажлиси жорий йилнинг 31 март куни ўтказилди. Кун тартибида 2 та масала кўриб чиқилди, яъни Олий аттестация комиссиясининг 2022 йилдаги фаолияти натижалари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Учинчи мажлиси жорий йилнинг 30 июнь куни ўтказилди. Кун тартибида 1 та масала, яъни Жамоатчилик кенгашининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси 1-ярим йиллик натижалари муҳокама қилинди.

Тўртинчи мажлиси жорий йилнинг 3 июль куни ўтказилди. Унда 3 та масала ОАК Раёсати билан биргаликда кўриб чиқилди: 1) ЎЗР Бош прокуратурасининг жорий йил иш режасига мувофиқ ишчи гуруҳи томонидан Олий аттестация комиссиясининг фаолияти, жумладан меҳнат муносабатлари, молиявий, рақамлаштириш, архив ишлари, жисмоний / юридик шахслар мурожаатлари ва аттестация ишларига оид йўналишлар вазирлик ва идоралар мутахассислари жалб қилинган ҳолда ўрганиш натижалари муҳокама қилинди; 2) Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари муҳокама қилинди; 3) Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати муҳокама қилинди (жисмоний ва юридик шахсларнинг 170 та (2 та оғзаки, 168 та ёзма) мурожаат ҳисобга олинди. Барча мурожаатларга ўз муддатида жавоб берилди).

Бешинчи мажлиси жорий йилнинг 28 август куни ўтказилди. Кун тартибида 1 та масала кўриб чиқилди, яъни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар фаолиятига оид низомларнинг янги таҳририга таклифлар муҳокама қилинди. Муҳокама натижасида “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом”, “Илмий даражалар берувчи ихтисослаштирилган кенгаш тўғрисидаги низом”, “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом” бўйича таҳрир лойиҳаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилди (31.08.2023 й., №01-01/1428).

Олтинчи мажлиси жорий йилнинг 29 сентябрь куни ўтказилди. Кун тартибида 2 та масала кўриб чиқилди: 1) Жамоатчилик кенгашининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси 9 ойлик натижалари муҳокама қилинди; 2) ОАК фаолиятида шаффофлик ва очиқлик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ҳолати муҳокама қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 22 июль кун жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш ва самардорлигини ошириш бўйича жамоатчилик кенгаши, раёсат аъзолари ва ОАК аппарати ходимлари иштирокида давра суҳбати ташкил қилинди.

ОАК Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида фаолият очиқлиги, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ижроси, аттестация талабларининг ягоналиги ҳамда давлат хизматлари сифатини янада ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Олий аттестация комиссиясининг жамоатчилик кенгашининг
2023 йил III РЕЖАСИ**

№	Тадбир номи	Муддати	Масъул ходим
Жамоатчилик кенгашининг мажлислари			
1.	Жамоатчилик кенгаши (ЖК)нинг 2022 йил фаолиятини муҳокама қилиш.	2023 йил февраль-март	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
2.	ЖК 2023 йил иш режасини тасдиқлаш.	2023 йил март-апрель	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
3.	ЖКнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси 1-ярим йиллик натижаларига бағишланган мажлисини ташкил қилиш.	2023 йил июнь	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
4.	ЖКнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини низомларнинг янги таҳрири шароитида ташкил қилишга бағишланган мажлисини ўтказиш.	2023 йил май-июль	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
5.	ЖКнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси йиллик натижаларига бағишланган мажлисини ташкил қилиш.	2023 йил декабрь	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
Жамоатчилик кенгаши ва ОАК Раёсатининг қўшма мажлислари			
6.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида ЖК ва ОАК Раёсатининг қўшма мажлисини ўтказиш.	2023 йил июль, декабрь	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
7.	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати хусусида ЖК ва ОАК Раёсатининг қўшма мажлисини ўтказиш.		
8.	ОАК фаолиятида шаффофлик ва очиқлик ҳамда Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ҳолати ҳамда ОАК раисининг матбуот котиби ҳисоботини муҳокама қилиш.	2023 йил сентябрь	Л.Гафурова Б.Жовлиев М.Шукурова
9.	ОАК ходимларининг хизмат шарт-шароитлари тўғрисида.	2023 йил октябрь	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
10.	Жойларда илмий жамоатчилик билан ишлаш ҳолати ва самарадорлиги тўғрисида.	2023 йил декабрь	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
Жамоатчилик кенгаши, ОАК ва ОАК Раёсати аъзолари иштирокидаги давра муҳокамаси			
11.	Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлиги тўғрисида.	2023 йил июль	Л.Гафурова Б.Жовлиев А.Шермухамедов
12.	Жамоатчилик кенгаши фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маълумотномани “ОАК Бюллетени” журналида ва веб-сайтда нашр қилиш.	2023 йил якуни бўйича	Л.Гафурова Б.Жовлиев М.Шукурова

Олий аттестация комиссиясининг Жамоатчилик кенгаши таркиби

№	Ф.И.О.	Иш жойи, лавозими. Илмий даражаси, илмий унвони	Телефон Электрон манзил
1.	Гафурова Лазиза Акрамовна	Ўзбекистон миллий университети, кафедра профессори, б.ф.д., академик, профессор, жамоатчилик кенгаши раиси	+998977678182 la.gafurova@ nuu.uz
2.	Абдурасулова Қумринисо	Тошкент давлат юридик университети, кафедра профессори, ю.ф.д, профессор, жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари	+998909639251 profabdurasula@gmail.com
3.	Жовлиев Боходир	“Тил ва адабиёт таълими” журнали, бош муҳаррир, жамоатчилик кенгаши котиби	+998981217416 bahodir-0878@mail.ru
4.	Мавлянов Искандар Рахимович	Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, директор маслаҳатчиси, тиб.ф.д., профессор	+998946087895 -
5.	Каримова Нигора	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, бўлим бошлиғи, с.ф.д., профессор	+998909572830 nigorra@mail.ru
6.	Жамолитдинова Одина Расуловна	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, проректор, ф.ф.д, профессор	+998909314236 o.jamoldinova70@mail.ru
7.	Гафурова Дилфуза Анваровна	Ўзбекистон миллий университети, кафедра мудири, к.ф.д., доцент	+998977355053 d_gafurova@mail.ru
8.	Рўзиев Рустам Жаббарович	Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик хавфсизлиги университети, кафедра профессори, ю.ф.д., профессор	+998977640476 -
9.	Баракаев Рахматилла	Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, етакчи илмий ходим, ф.ф.д.; профессор	+998933927170 rahmatulla1954@mail.ru
10	Гофуров Убайдулла	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра мудири, и.ф.д., профессор	+998909639353 gafurovubaydullo67@gmail.com
11.	Тўраходжаев Нодир	Тошкент давлат техника университети, кафедра мудири, т.ф.д., профессор	+998935530924 nod18tur@gmail.com